

**БАЙРАМХОН**

**ДЕВОН**



БАЙРАМХОН

ДЕВОН



«ТАМАДДУН»  
Тошкент – 2013

УДК: 78.9.3  
КБК 84.(5Ў)1  
Б-20

Байрамхон.  
Девон / нашрға тайёрловчилар С. Фаниева, Ж. Жўраев; – Т.:  
Tamaddun, 2013. – 64 б.

**Нашрға тайёрловчилар:**

Суйима Фаниева,  
*филология фанлари номзоди, профессор*  
Жалолиддин Жўраев,  
*филология фанлари номзоди*

Байрамхоннинг рубоийларида маҳбуба гўзаллиги, висол иштиёқи, ҳажр изтироблари баён этилган. Айни чоғда давру даврондан шикоят, шахсий кечинмалар ҳам қаламга олинган. Туркийдаги шеърлари асосан ишқий мавзуда битилган. Лекин баъзи ғазалларида ўзининг шахсий кечинмалари, армон – ўқинчлари қаламга олинган.

Улардан шоирнинг Лутфий, Навоий ижодига таважжуҳи баланд бўлганлиги кўринади.

УДК: 78.9.3  
КБК 84.(5Ў)1

ISBN 978-9943-377-96-7

©«TAMADDUN», 2013 й.

## “АРМОНДА ЎЛДУМ, ОҲ...”

(Сўзбоши ўрнида)

Муҳаммад Байрамхоннинг отаси Сайф Алибек Бобур хизматида бўлган туркманларнинг баҳарлу қабиласига мансубдир. Манбаларда Байрамхоннинг етук саркардалик салоҳияти, давлат арбоби сифатидаги баркамол фаолияти, бадиий ижоддаги юксак истеъоди баён этилган.

Жумладан, Фахрий Ҳиротийнинг “Равзат ус-салотин” тазкирасида Байрамхон Майрамхон дейилиб, қуидагича маълумот берилган: “Майрамхон Қандаҷор ҳокими. Шундай эши-тилдики, жуда дарвеш сифатли, парҳезкор ва раиятпарвардир. Қандаҷор ҳокими бўлган даврида ҳеч ким ундан адолатдан бошقا нарса айтмаган ва фаровонликка рағбати комиллигидан у ерни жаннатга айлантириди. Ўша вақтда вилоятда шеърлар ижод қилди. Туркий ва форсийдаги шеърлари яхшироқдир.” Шунингдек, тазкирада шоирнинг форсий ғазалидан уч байт келтирилган. Мазкур тазкира ношири Сайид Ҳисомиддин Байрамхон билан Ҳумоюннинг бир-бирига ёзган шеърлари, унинг Гужарот яқинида 968/1560-61 йил қатл этилгани, Қосим Арслон бир неча вақт ўтгач уни Машҳадга дағн этгани, девонининг нашрлари, ўғли Абдураҳим ва қизи Жононбегим (شاҳзода Дониёл завжаси)ларнинг ҳам шоир бўлганликлари ҳақида маълумотлар беради.

Ҳасан Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” тазкирасида ҳам Байрамхонга алоҳида ўрин ажратилган. Унда Байрамхоннинг Ҳумоюн саройидаги нуфузи, хайру саховатли, хушмуомали шахс бўлгани қаламга олиниб, форсийдаги битта байти ва туркийдаги бир ғазали келтирилади. Тазкира изоҳларида

Байрамхон 1534 йил муҳрдорлик лавозимига тайинланганлиги, 1545 йилда Аскарий ва Комрон Мирзоларнинг Қандаҳор ва Кобулни қайта олиш жангидаги қатнашганлиги, ўн йилча Қандаҳорда ҳокимлик қилгани, 1555 йилда унга “хони хонон” унвони берилгани, Ҳумоюндан кейин Ақбарга оталиқ деб, эълон қилингани баён этилиб, саройдаги тескари кучлар фитна-фужури ҳаддан ошгач, Байрамхон ҳажга отлангани ва Гужаротнинг Патан деган жойида қатл этилгани, унинг қонли жасади ўша ерда, сўнгра Дехлида, 1563 йилда эса Машҳадда имом Ризо мақбараси ёнида дағн этилгани қайд этилади.

Байрамхоннинг туркйдаги шеърлари асосан ишқий мавзуда битилган. Лекин баъзи ғазалларида ўзининг шахсий кечинмалари, армон — ўқинчлари қаламга олинган. Улардан шоирнинг Лутфий, Навоий ижодига таважжухи баланд бўлганлиги кўринади. Тадқиқотчилар қайд қилгандаридек, Байрамхоннинг қўйидаги ғазали Лутфий ғазалига гўзал татаббуъдир:

Эй бехабирим, хоҳ инон, хоҳ инонми,  
Куйди жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонми.

Гарчи гузаринг йўқ манга, биллоҳки, сендин,  
Йўқтур гузарим хоҳ инон, хоҳ инонми.

Юз фитна кўзу зулфунг аро чин топилибтур,  
Эй фитнагарим, хоҳ инон, хоҳ инонми.

Сен бўлгали минзури миҳу меҳрға ҳаргиз  
Тушмис назарим, хоҳ инон, хоҳ инонми.

Сендин хабарим бўлгали, ҳакҳоки, ўзимдин.  
Йўқтур хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонми.

---

Адабиётшуносликда ҳам Байрамхон ижодига оид тадқикотлар олиб борилган. Қаранг: Алиев Г. Байрам-хан туркменский поэт. –Ашхабад, 1969; Туркман адабиёти тарихи. I-том. Ашгабад. 1975. 361-387-бетлар; Фаниева С. Байрамхон. Шеърлар.// Асрлар нидоси. –Т.: 1982. 42-83-бетлар; Низомиддинов И. Маданий ҳамкорлигимиз сахифаларидан. – Т.: 1987. 21-23-бетлар; Иномходжаев Р. Двуязычие в литературной жизни Индии XVI в. – Т.: 1993. 86-106-стр; Низомиддинов Н. Хиндистон туркйзабон адабиёти (XV-XIX аср). – Т.: 2005. 161-176-бетлар (Шу китобда Байрамхон шеърлари 225-228-бетлар).

Йўқ сенин киши севгулук эл ишраки, йўқпур  
Сендеқ севарим, хоҳ, инон, хоҳ, инонми.

Байрам киби яксон кечидур зулфу юзунгдин  
Шому сахарим, хоҳ, инон, хоҳ, инонми.

Ёки Навоийнинг “Кошки” радифли ғазалига Жомий ва бир нечта шоирлар гўзал жавоблар битганлар, жумладан Байрамхон ҳам:

Ёр дарди жони беморимди бўлгай, кошки,  
Жисми озори тини зоримди бўлгай, кошки.

Гул юзин кўргунча ранж осибидин бетоб ранг,  
Юз тикон бу чашми хунборимди бўлгай, кошки.

Захъматеким, ундибур, кош ул манга бўлгай насиб,  
Сизъматеким мендидур, ёримди бўлгай, кошки.

Лаъли жонбахшини бир табхоли мајруҳ, эткуча,  
Юз жироҳат жони афгоримди бўлгай, кошки.

Анда бўлғон дард бўлгай менда, лекин дарди ишқ,  
Андикни ёри жиғокоримди бўлгай, кошки.

Байрам, ул ойнинг ҳар озори ҳиётедур манго,  
То тирикмен, банди озоримди бўлгай, кошки.

Лекин шоирнинг қуидаги ғазали ишқий адоларининг байрамона изҳори, шоирнинг ўзига хос талқинидир:

Эй чимани жон аро, сарви хиромонгинам,  
Умр гулистониди гуншии хандонгинам.

Кўзга мен илмажон, бир назаре қиласмагон,  
Кўнглум олиб билмажон дилбари нодонгинам.

Ҳам ўзи яхшигина, ҳам кўзи яхшигина,  
Ҳам сўзи яхшигина, ёри сухандонгинам.

Эй юзи гул-гулгина, в-эй сочи сунбулгина,  
Қилма тагофулгина, бўлма пушаймонгинам.

Эй қади чобукгина, в-эй лаби нозукгина,  
В-эй сўзи ўткургина, баъдаси ялангинам.

Воситаи давлати васлинг агар бўлмаса,  
Мехнати ҳижрон аро чиққисидур жонгинам.

Байрамхоннинг рубоийларида ҳам анъанадаги каби маҳбуба гўзаллиги, висол иштиёқи, ҳажр изтироблари баён этилган. Айни чоғда давру даврондан шикоят, шахсий кечинмалар ҳам қаламга олинган.

Байрамга басе ғариблиқ кор этти,  
Ғурбат они хору зору бемор этти,  
Ё Рабки, балоларга гирифтор ўлсун,  
Ҳар кимки ани гамларга гирифтор этти.

Аввал мени хидматингга маҳрам қилдинг,  
Базминг аро ҳамзабсану ҳамдам қилдинг,  
Охир яна илтифотни кам қилдинг,  
Расвои тамоми аҳли олам қилдинг.

Шоир асарларининг тили ва баён услуби ҳам Лутфий, Навоий ва Бобур асарлари тили ва баён услубига яқин. Унинг туркӣ девонига 47 та ғазал, 2 та қитъа, ва 15 та рубоий кирган. Форсий девонида (1971 йилдаги Караби нашрига кўра) эса, қуйидагилар мавжуд: қасидалар — Ҳазрат Алига (62 байт), Имом Ризога (53 байт), Ҳумоюншоҳга (78 байт), Акбаршоҳга (46 байт), “Маҳбуби Рӯзгор” — Дарёхонга (24 байт) яна Ҳазрат Алига (10 байт ғазал таркибида); ғазаллар — 38 та, фардлар — 20 та, қасидалар — 6 та, рубоийлар бадиҳона айтилган. “Фатҳномаи Қандаҳор” — 16 байт, таърих — 2 та мавжуд.

## **ҒАЗАЛЛАР**

---

\* \* \*

Эй, фитнада мастина күзунг мазҳари ашё,  
Кундек бори зарроти жаҳон айнида пайдо.

Амторда ҳар қатра кўзи ҳуснунга нозир,  
Ашжорда ҳар барг тили ҳамдинга гўё.

Кун чеҳраси меҳринг юзидин бўлди мунааввар,  
Тун турраси қаҳринг елидин келди муттарро.

Булбул бўлубон гул киби рухсоринг вола,  
Парвона бўлуб шамъсифат ҳуснунга шайдо.

Риндана қаддинг жилвасидин фитнада Вомиқ,  
Мастона күзунг ишвасидин ғамзада Узро.

Ул лаъли шакархо била мафтун санга Ширин,  
Ул ҳусни дилоро била Мажнун санга Лайло.

Жўёни висолинг келибон сарви хиромон,  
Ҳайрони жамолинг бўлубон наргису шаҳло.

Бир нашъа лабинг журъасидин бодаи гулгун,  
Бир ламъа юзунг партавидин лолаи ҳумро.

Булбул тили тил булбулидек васфинга нотиқ,  
Наргис кўзи кўз наргисидек айнинга бино.

Ер — кўк аро айни караминг айлади равшан,  
Гаҳ зарраву хуршид, гаҳе қатраву дарё.

Мустағрақи баҳри караминг хусраву дарвеш,  
Парвардаи хони ниъаминг пашибаву Анқо.

Байрам, дема тавхид дебон жонингга миннат,  
Алминнату лиллоҳи таборак ва таъоло.

Бир ғурраи ғарро била мен ғарраки, ногаҳ  
Ёргутти кўзумни яна бир матлаъи ғарро:

Кўнглумдағи доғи била ул нарғиси шаҳло,  
Осуда сувайдодуру оҳуда ҳувайдо.

Ҳам қомати манзур қилиб Сидраву Тўби,  
Ҳам орази пурнур қилиб Маккаву Батҳо.

Ҳам жилвада рахшиға фалак манзили асфал,  
Ҳам рутбада қадриға даний пояи адно.

Шоҳедуру хайлу ҳашами фавжи малоик,  
Моҳедуру хоки қадами авжи Сурайё.

Меҳри юзидин нур кўруб дийдаи Яъқуб,  
Шавқи сўзидин Тур бўлуб манзили Мусо.

Фақри йўлуда хок бўлуб мулки Сулаймон,  
Лаъли ғамида чок бўлуб жайби Масиҳо.

Ҳам гул юзидин пардакушо ғунчай хандон,  
Ҳам юз гулидин нағмасаро булбули шайдо.

Нўшин лабидин руҳфазо бодаи рангин,  
Рангин юзидин жилванамо лолаи ҳумро.

Ҳам бошима ул сарв солиб сояи раҳмат,  
Ҳам кўнглума ул мушк бўлуб мояи савдо.

Байрамсифат ул шаҳи лавлок дегилким,  
Меҳри юзидин халқ қилиб Холики ашё.

Ҳам мазҳари ашёдуру ҳам мазҳари асмо,  
Ҳам мақсади ақсадуру ҳам матлаби аъло.

\* \* \*

Хүшкәдү хүшандом йигит Ёрмуҳаммад,  
Дилдору дилором йигит, Ёрмуҳаммад.

Мазҳабда бори эл била тавр чиқишиң,  
Машрабда майошом йигит, Ёрмуҳаммад.

Үз коми била қон түкар эл комин бермай,  
Хўблар аро худком йигит, Ёрмуҳаммад.

Гул ислаамаю гулбуни қўрмай чу кўринди,  
Гул бўю гул андом йигит, Ёрмуҳаммад.

Ҳам туррасидур пуршикан, ул навъки сунбул,  
Ҳам чеҳраси гулфом йигит, Ёрмуҳаммад.

Саргашта бўлуб олам аро топмадинг ором,  
То бор санга, Байрам йигит, Ёрмуҳаммад.

Чун айламас вафо кишига даҳри бесабот,  
Хуш раҳравеки, айлади ул қатъи таълиқот.

Чавғони ақлу гүйи фаросат аниңг дурур,  
Оlamда яхшилиғ била ҳар ким чиқорса от.

Ғам ўқлари ямину ясоримға сончилиб,  
Элдин учиб чиқорға топибмен ажаб қанот.

Эй қодири кариму ваё ҳайи зулжалол  
Ким, бор мутиъи амрингга зарроти коинот.

Ҳамдинга туганмагай битибон бўлса то абад,  
Ашжор-хома, баҳр-мидоду фалак-давот.

Тун-кун санову ҳамдинга зокирдуур яқин,  
Зуҳҳоди хонақоҳ ила раҳбони Сўминот.

Баргашталарға қаҳринг ўлуб мўжиби азоб,  
Саргашталарға лутфунг эрур боиси нажот.

Байрамки, кўнгли қуфлдуур жаҳл зангидин,  
Ё Рабки, фатҳ илки била қуфлини ушот.

Мақсуди васлдур анго ҳижрон балосидин,  
Қутқорғил ани, еткуруубон мақсадиға бот.

\* \* \*

Эй хоки остонинг ўлуб мажмаи русул,  
Жамъи русулға муҳри рухунг ҳодии субул.

Сендин топиб саодат кунин улуғу кичик,  
Эй лутф бирла боиси ижоди жузву кулл.

Йўқдур қадингча равзай Ризвонда тоза сарв,  
Андоқки даҳр боғида юзунгча тоза гул.

Сендек жаҳонда бўлғали тавлиди коинот,  
Туғмайдур уммаҳоти аносир бир ато ўғул.

Топмоқ маҳол партави меҳринг била шараф,  
Миръоти Ҳақнамосини соғ этмайин кўнгул.

Ожиз дурур камоли сифотингда қулли ақл,  
Қосир дурур сифоти камолингда ақли кулл.

Эй хожа, айла бир назари марҳаматки, бор  
Байрам камина қулларинга камина қул.

\* \* \*

Хошия гулгун қаро тожингда лаъли обдор,  
Шамъ бирла шуъла ҳамдам дуд ила ҳамраҳ шарор.

Ҳам қуёш бирла шафақ, ҳам тун аро туғмиш Сүҳайл,  
Кўрунур бир онда кўрсатгач ўзин ул шаҳсувор.

Ҳам саодат буржида то банда моҳу Муштарий,  
Ҳам булутдин офтобедурки, бўлмиш ошкор.

Ушбу шаклу шева бирла чобукум майдон аро,  
Жилва қилғоч борди илкимдин инону ихтиёр.

Истама сабру қароре ҳамнишин мен зордин  
Ким, манга ишқ илгидин на сабр қолди, на қарор.

Йўқтурур ушшоқ аро мен бенаводек бедиле,  
Чун менинг ёрим киби оламда кимнинг ёри бор.

Дилбаре нўшинлабе, симинтане, сангидиле,  
Нозанини маҳжабине, сарвқадде, гулъузор.

Кимдурур улким, мен мискин гадойимен анинг,  
Шахриёри комбахшу комёбу комгор.

Хусрави одил Ҳумоюн, ул шаҳи одилки, даҳр  
Борча оламдин анинг отиға айлар ифтихор.

Шоҳи Жамжоҳу Сикандарҳашмату, Қайсаражуҳу  
Хусраву Рустамдилу султону хоқониқтидор.

Улки қайфиятни англаб лаззати гуфтор мен,  
Мисти лояъқил бўлур сўзларда ақли ҳушёр.

Тушгали күз раззанидин ул қуёшнинг партави,  
Райс этар кўнглум ҳавои мөхрин айлаб зарравор.

Байрамо, табъи латифига малоле бўлмасун,  
Сўз узотма, қил дуои давлатига ихтисор.

То жаҳон бўлғай, илоҳи, шодлиғ бирла бўлуб,  
Тангридин етгай анга ҳар лаҳза файзи бешумор.

\* \* \*

Яна күзи ғамидин нотавондурур күнглум,  
Рафиқу ҳамдами оху фиғондурур күнглум.

Агарчи жазм эмас вაъдаға вафо қилури,  
Вафога ваъда қилурдин хушондурур күнглум.

Наво чу топмади ушшоқ ичра Мажнунға,  
Жунун мақомида ҳам достондурур күнглум.

Йилон киби ҷоқиб, ипдек ҳамиша тилларидин,  
Рақиби дөвсифатдин газондурур күнглум.

Тараҳхум айлаки, Байрамдек эл сифат кўпидин,  
Сени тилаб неча бехонумондурур күнглум.

\* \* \*

Етмасун осеби таб, сарви хиромоним, санго,  
Етмасун боди хазон, гулбарги хандоним, санго.

Бошиңга эврулса жони нотавоним не ажаб,  
Чун тилайдур садқа бўлмоқ нотавон жоним санго.

Йўқтурур, биллаҳ, малолинг эшитурга тоқатим,  
Етмасун ногаҳ малолангиз афғоним санго.

То сени бетоб эшиттим, бас паришонҳолмен,  
Ваҳки, зоҳир бўлмади ҳоли паришоним санго.

Ҳар жафо бўлса мани бетобга бўлсун насиб,  
Йўқтурур тоби жафо, хуршиди тобоним, санго.

Лабларинг васфида Байрам шеъридур оби ҳаёт,  
Сиҳҳате берсун, Илоҳи, оби ҳайвоним санго.

\* \* \*

Ёр дарди жони беморимда бўлғай, кошки,  
Жисми озори тани зоримда бўлғай, кошки.

Гул юзин кўргунча ранж осибидин бетоб ранг,  
Юз тикон бу чашми хунборимда бўлғай, кошки.

Заҳматеким, ундалур, кош ул манга бўлғай насиб,  
Сиҳҳатеким мендадур, ёримда бўлғай, кошки.

Лаъли жонбахшини бир табхола мажруҳ эткуча,  
Юз жароҳат жони афгоримда бўлғай, кошки.

Анда бўлғон дард бўлғай менда, лекин дарди ишқ,  
Андақи ёри жафокоримда бўлғай, кошки.

Байрам, ул ойнинг ҳар озори ҳаётедур манго,  
То тирикмен, баанди озоримда бўлғай, кошки.

\* \* \*

Хар неча, эй бевафо, васлингға лойиқ бўлмасам,  
Ишқ аҳли бўлмайин ишқингда содиқ бўлмасам.

Топмайин сендин муроде, эътиқодим бўлмаса,  
Сен манга бўлғил мухолиф, гар мувофиқ бўлмасам.

Ишқ олам қайдидин бўлди халосимға сабаб,  
Неткай эрдим мунча меҳнат бирла ошиқ бўлмасам.

Қўйки Байрамдек йироқдин жилваи ҳуснунг кўрай,  
Хар неча, эй бевафо, васлингға лойиқ бўлмасам.

\* \* \*

Күринур гулгун пар ул сарви хиромон бошида,  
Ёнма-ёндур шафақ хуршиди тобон бошида.

Ё тулуъ эткон қуёшедур Масиҳо ушнидо,  
Ё қанот ёпқон тазарведур Сулаймон бошида.

Қомати шамъи шабистонимдуру гулгун пари,  
Шуълаедур гўйиё шамъи шабистон бошида.

Сончибон пар, жилва бер рахшингға майдон сориким,  
Сен келурсан деб кўзум тўрт ўлди майдон бошида.

Қаду рафторингға кўнглум онча мойил борким,  
Йўқ ҳавои жилвае сарви хиромон бошида.

Кам эмас бир дам хаёли шеър Байрам бошидин,  
Кўргали шеърини ул шоҳи сухандон бошида.

\* \* \*

Эй чамани жон аро, сарви хиромонгинам,  
Умр гулистонида ғунчай хандонгинам.

Күзга мен илмағон, бир назаре қилмағон,  
Күнглум олиб билмағон дилбари нодонгинам.

Ҳам ўзи яхшигина, ҳам күзи яхшигина,  
Ҳам сўзи яхшигина, ёри сухандонгинам.

Эй юзи гул-гулгина, в-эй сочи сунбулгина,  
Қилма тағофулгина, бўлма пушаймонгинам.

Эй қади чобукгина, в-эй лаби нозуккина,  
В-эй сўзи ўткургина, ваъдаси ялғонгинам.

Воситай давлати васлинг агар бўлмаса,  
Мехнати ҳижрон аро чиққусидур жонгинам.

\* \* \*

Дардоки, ёр сүрмади мен хаста ҳолини,  
Ҳаргиз эшитмадим фараҳафзо саволини.

Кўнглум мараз ҳароратидин музтарибдуур,  
Ёхуд тилайдур ул лаби майгун зулолини.

Армонда ўлдум, оҳ, не бўлғай эди агар,  
Бир қатла кўрсам эрди муборак жамолини.

Васл эҳтимоли бўлмағонидин топар эдим,  
Ҳар лаҳза хотиримда ўлум эҳтимолини.

Гар бир бало мараздин эди зор жисмима,  
Жонимга юз бало эди топмай висолини.

Бас мушкил эрди бу мараз ичра тирилмагим,  
Гар сўрғали йиформаса эрди хаёлини.

Байрам, фироқин ичра маризу малудур,  
Хуш улки, дафъ қиласа висолинг малолини.

\* \* \*

Күзум учадур, то күра олғай асар ондин,  
Күнглум үсадурким, ола олғай хабар ондин.

Ваҳқим, назарим үтрусида жилвагар эрмас,  
Улким, күтаролмас әдим бир назар ондин.

Лаъли ўти гулгун сиришкимни қилур тез,  
Зоҳир бўлур қатрае хуни жигар ондин.

Бунёди бало қилмади тўфони сиришким  
Ким, ер била кўк бўлмади зеру забар ондин.

Байрамки, сўроғ айлар эди оғзи нишони,  
Лаълини сўруб бўлди сўзи мухтасар ондин.

\* \* \*

Йүктууролам аро ишк ахлидек бадном эл,  
Ком топмай дүстбин халқ ичра душманком эл.

Гоҳ базм айши, даврон оғатидин күзғалиб,  
Гоҳ васл субҳи, ҳижрон зулматидин шом эл.

Гаҳ қуюндең ғам биёбонида саргардон ўлуб,  
Топмағон бир дам қарору күрмәғон ором эл.

Гоҳ Мажнундек жунун ифратидин бехуд ўлуб,  
Хотирига етмагон оғоз ила анжом эл.

Гоҳ касрат ваҳшати ифратидин девонавор,  
Халқ аро зоҳир қилиб ҳам куфру ҳам ислом эл.

Гоҳ ваҳдат бодасин тортиб иродат жомидин,  
Юз туман Жамшидға жом айлаган инъом эл.

Пухта бўл, Байрам, кишига ишк ўти сўзин дема  
Ким, бу ўтға куйганингни бовар этмас хом эл.

\* \* \*

Неча ҳижрон ғамидин нолаву фарёд қилай?!  
Ҳосили умрни фарёд ила барбод қилай?!

Неча күз лавҳида тасвир этибон суратини,  
Дам-бадам хотир анинг кўрмакидин шод қилай?!

Неча васлини тилаб ҳажкрида хурсанд бўлай,  
Неча уммиди била жонима бедод қилай?!

Неча ғурбат аро бекаслик ўти бирла куюб,  
Мотамийлар киби ўз ҳолима фарёд қилай?!

Неча жонимға соғинмаслиғидин ўт тушубон,  
Они бесабрлиғимдин куюбон ёд қилай?!

Неча ишқида бузуб сабру саломат ватанин,  
Неча андуҳу маломат уйин обод қилай?!

Неча зулфиға гирифтор бўлуб зор бўлай,  
Келки ўзни бу бало қайдидин озод қилай?!

Байрамо, ёр вафо расмиға мұътод эмас,  
Эмди жонимни жафоси била мұътод қилай.

\* \* \*

Азбаски, меҳринг озлиғидин беқарормен,  
Ҳар лаҳза оҳу нолада беихтиёрмен.

Мен зору беқарорға раҳм этки, муттасил  
Ишқингда беқарору фироқингда зормен.

Мискину хоксору ғарибега раҳми йўқ,  
Мискинмену, ғарибмену, хоксормен.

Боримда бар хотир эмас ғайр таънаси,  
Чун ҳар не айтадур мен юз онча бормен.

Доим жунуну халқ аро Мажнунча шуҳратим,  
Расволигим не айбки, девонавормен.

Қуллуқса гарчи маъсиятим баркамолдур,  
Аммо камоли афвидин умидвормен.

Байрам, жаҳонда ҳеч кишига қўймон эътибор,  
Топсан ҳабиб ҳазратида эътибор мен.

\* \* \*

Парирухो, яна қайга ҳаво қилиб борасен  
Ки, телбаларни ажаб бенаво қилиб борасен.

Күнгүл синуқтуру йўқ тоқати жафо, лекин  
Шикаста кўнглума, жоно, жафо қилиб борасен.

Висол давлатидин ойириб мени, ваҳким,  
Фироқ меҳнатига мубтало қилиб борасен.

Вафолиғ эл аро мен зорни соғинса бўлур,  
Чу итларингта мени ошно қилиб борасен.

Сафои мажлиси ишрат сенинг ҳузурунг эди,  
Ҳузур мажлисини бесафо қилиб борасен.

Мени бу меҳнат аро норизо қўюб бординг,  
Вале рақибни ўздин ризо қилиб борасен.

Бу тавр қилмағил, эй гул, вафо тариқи эмас  
Ки, булбулунгни асири бало қилиб борасен.

Бориб ниғорингу юз сўз ила топиб Байрам,  
Фироқ ҳирқатидин ўтға ёқилиб борасен.

\* \* \*

Ким лутфу пуржако дурур? Ул сарви сарфароз,  
Хуштур иноят айласа, күбтин-күб оздин-оз.

Сен ғайр мажлисиға бериб васлдин фуруғ,  
Мен дард маҳфилида топиб ҳажрдин гудоз.

Токай жафои ҳажр ила ташрифи васлдин,  
Мен хоксор бўлгамену ғайр сарфароз.

Ҳар нокасе не лойиқи суҳбат дурур санго,  
Ножинс эл мусоҳабатидин қил эҳтиroz!

Ҳар кажназарға жилваву нозинг ҳазор ҳайф,  
Қилмоқ рақиб манзилини жилвагоҳи ноз.

Ошиққа эътиқод керак Байрамо, не бок,  
Гар филмасал ҳақиқат эрур ишқ ё мажоз.

\* \* \*

Либосин этгали ул сарви хушхиром қизил,  
Күзүмни айлади қон ёш била тамом қизил.

Парирухум яна қонлиғ күзүмда қылди мақом  
Ким, ҳусн аҳлиға зебо дурур мақом қизил.

Мудом орази рангинлиғи чөғирдин эмас  
Ки, ҳеч юзни бу ранг айламас мудом қизил.

Агарчи ҳусн элидур жомдин қизил юзлук,  
Эрүр ҳамиша юзунг акси бирла жом қизил.

Билиб сипеҳр ғамим қон, ёшин түкар Байрам,  
Шафақ эмаски, эрүр ҳар намозшом қизил.

\* \* \*

Бодаеким ичтим ул шўхи ситамкор илкидин,  
То ҳаётим бордуур, кайфиятим бор илкидин.

Илкима олиб аёғ, бордим илиқдин бир йўли,  
Ботроғ ич деб, чун ишорат қилди изҳор илкидин.

Шиша янглиғ қон тўкуб, соғар киби қондур ичим,  
То бўлубтур шишаву соғар намудор илкидин.

Кўрмайин илкига ҳар дам эл кўзи тушмакни деб,  
Бордуур қонлиғ кўзум пайваста хунбор илкидин.

Мости лояъқил бўлур эрмиш тамоми умрида,  
Бедилеким, журъаे нўш этса дилдор илкидин.

Ваҳ, нечук мен умрлар маст ўлмайин, эй дўстлар  
Ким, ичибмен майлар ул шўхи жафокор илкидин.

Байрам, ул давр ўттию ўлтурди бу ҳасрат мени,  
Ким яна бир журъае нўш этмадим ёр илкидин.

\* \* \*

Эйким, ҳамиша дарду ғамингдин ҳалокмен,  
Дардинг эшиткали не бало дарнокмен.

Гаҳ ханжари фироқинг ила дилфиғор ўлуб,  
Гаҳ тиғи иштиёқинг ила сийначокмен.

Гоҳи қилиб ҳавои висолинг, топиб ҳаёт,  
Гоҳи чекиб жафои фироқинг, ҳалокмен.

Гаҳ қаҳр ила гудохтаи поки ишқмен,  
Гаҳ лутф ила навохтаи ишқи покмен.

Байрам, не тил била анга жоним фидо демай,  
Юз тил била чу қойили “руҳий фидок”мен.

\* \* \*

Ул шүхи дарди боиси қилдинг газандни,  
Күйдурдуң, эй сипеҳр, мен дардмандни.

Тан миҗмарыда хаста күнгүл пора-пора, бас,  
Дафы газанд учун нетай ўзга сипандни.

Ул қадки, ҳусн гулшанида бўлди сарфароз,  
Лутф ичра паст айлади сарви баландни.

Кўргач Хизр зулоли ҳаётин қилур нисор,  
Гоҳи табассум ул шакари нўшхандни.

Байрам камоли машраб эрур тарки тавба қил,  
Топсанг ҳариф бир неча ёри лавандни.

\* \* \*

Қилмагил, эй шўхи саркаш, мунча бепарвойлиғ,  
Бир манинг ройим била бўл, тобакай худройлиғ.

Фам туни қон йиғларимнинг меҳнатин кўнглум билур,  
Гарчи кўнглумга кўрунмас мунча хунполойлиғ.

Етмагай ҳаргиз такаллумда лаби жонбахшиға,  
Ҳар неча қиласа Масиҳ алтофи руҳафзойлиғ.

Юз била зулфи ҳавосидек фараҳбахш ўлмағай,  
Нечаким, қилғай насими субҳ анбарсойлиғ.

Токи туғди ахтари давлат саодат буржидин,  
Қилмади бир кавкаб ул ойдек жаҳоноройлиғ.

Чун топилмас бир гули бехор олам боғида,  
Боғбонлар то кай эткайлар чаманпиройлиғ.

Демагил Байрамки, бепарводур ул султони ҳусн,  
Подшаҳдур, не ажаб гар қиласа бепарвойлиғ.

\* \* \*

Не деб, эй нозанин, мендин малолинг бор, билмасмен,  
Недин, ё Раб, етибтур күнглунга озор, билмасмен.

Малолинг зоҳири билмай сабаб, жон етти оғзимға,  
Нечук жон элтайин гар қилмасанг изҳор, билмасмен.

Кириб душман сўзига, дўст билмайсен мени лекин,  
Ҳудо ҳозирдуур, мен сендин ўзга ёр билмасмен.

Не қилдим, не хато воқеъ бўлубтур, ваҳ, не сўз дебмен,  
Ки сўз қотмас манга ул лаъли шаккарбор, билмасмен.

Ҳавас қилдим ани туш кўрмак, аммо тушда кўргаймен,  
Чу ҳаргиз тушда ҳам бахтим кўзин бедор билмасмен.

Не тонг, гар ғайр бирла ҳамдам ўлса ул гули раъно,  
Жаҳон боғи аро чун бир гули бехор билмасмен.

Бу қатла бир парининг ишқидин кўп зорсен, Байрам,  
Сени ҳаргиз бирор ишқида мундоқ зор билмасмен.

\* \* \*

Хуш улким, сарвинозим раҳм қилғай бенаволарға,  
Нечукким, подشاҳлар марҳамат айлар гадоларға.

Агар ул шоҳи хўбон лутф ила бўлса харидорим,  
Гадойименки, истиғно сотармен подшоҳларға.

Дамеким, ноз ила икки лаби васфин адо қилғай,  
Масиҳо бўлса ҳам жон бергай ул нозуқадоларға.

Балолардур манга ул қўз била зулфу қаду кокул,  
Балолиғ кўй эдиким, учрадим мундоғ балоларға.

Юзин кўрсаттиву кўнглум олиб, ёшурди рухсорин  
Ки, мундин сўнг кўнгулни бермагаймен дилраболарға.

Гадои бенаводур Байраму йўлунгда хок ўлғай,  
Тариқи меҳр ила гоҳе гузар қил бенаволарға.

\* \* \*

Ёрсиз жонимни олғон мәхнати ҳижрон эмиш,  
Мәхнати ҳижрон демангларким, балойи жон эмиш.

Ханжаринг шавқи, юзунг меҳризу лаълинг ҳажридин,  
Күкраким чоку юрак юз пора, бағрим қон эмиш.

Ком лаълингдин висол айёмида душвор эди,  
Йўқса жон бермак фироқинг шомида осон эмиш.

Не балодурким, халосим йўқ замоне ҳажридин,  
Қисматим гўё азалдин мәхнати ҳижрон эмиш.

Бесару сомон дебон Байрамни, эй носиҳ, анга  
Панд берма, кимға парвои сару сомон эмиш.

\* \* \*

Эй жафожү, гайр бирла ошнолиқ қилмағил,  
Ошно бўлғон ёронлардин жудолиқ қилмағил.

Ошнолиқ яхшидур, лекин ямондур эл тили,  
Тилга тушган халқ бирла ошнолиқ қилмағил.

Бевафолиғ гарчи ҳусн аҳлиға расмедур қадим,  
Сен аларға ўхшамассен, бевафолиқ қилмағил.

Беадоликдур вафо тарқ айламак ҳусн аҳлиға,  
Бевафолик таркин айла, беадолиқ қилмағил.  
  
Байрамо, чун эътиборинг йўқтурур ёр оллида,  
Кўрсатиб анга ўзунгни худнамолиқ қилмағил.

\* \* \*

Фигонки, ёр манго ёр бўлмади ҳаргиз,  
Аниси хотири афгор бўлмади ҳаргиз.

Кичик ёшида гирифторлар ғамин не билур,  
Ки ҳеч ғамга гирифтор бўлмади ҳаргиз.

Не айб фориг агар бўлса зорлар ғамидин,  
Бирор фироқида чун зор бўлмади ҳаргиз.

Манга мухолифи изҳор қилмаким, мендин  
Ба жуз мувофиқат изҳор бўлмади ҳаргиз.

Не умрдир буки, Байрам жафо чекиб умре,  
Инояtingга сазовор бўлмади ҳаргиз.

\* \* \*

Нигоро, бир йўли мен зордин безорлик қилма,  
Мени маҳрум этиб, ағёр бирла ёрлиқ қилма

Қадимий қулларинг бераҳлиғидин нечаким бўлмиш  
Муборак хотиринг озорлиқ, безорлиқ қилма.

Мен ул гул ишқидин қонлар ютуб розимни фош этмон,  
Сен эй кўз, дамбадам ифшо учун хунборлиқ қилма.

Рақибо, хотирим озурдадир ҳижрон ҳарошидин,  
Дурушт айтиб мени оғритма, ноҳамворлиқ қилма.

Тилаб дилдорни зори қилурсан мендек, эй Байрам,  
Бузуғдур хотирим, Тенгри учун бу зорлиқ қилма.

\* \* \*

Сарвеки, лутф боғида нозук ниҳоли бор,  
Нозук ниҳолининг не бало эътидоли бор.

Қадди била белини тахайюл қилур кўнгул  
Нозук хаёли бор, уни нозук хаёли бор.

Гулнингки, юз тажаммули бор ҳусн боғида,  
Ул гулни кўргали юздин инфиъоли бор.

Дедимки, бизга боқмоғининг эҳтимоли йўқ,  
Боқиб табассум айладиким, эҳтимоли бор.

Байрамки, хурдабинлиғ аро мўшикоф эрур,  
Оғзи била бели, сўзида қилу қоли бор.

\* \* \*

Жон топди эътидол қадингдек ниҳолдин,  
Ё Раб, тажовуз айламасун эътидолдин.

Ул бел тахайюлида хаёлий бўлуб кўнгул,  
Анинг хаёли чиқмади ҳаргиз хаёлдин.

Ҳар кимки, бўъду қурб ҳижобини қилди рафъ,  
Фамгину шод бўлмади ҳажкру висолдин.

Қилсанг жамоли шоҳиди ғайбий кўрарга жаҳд,  
Жаҳд айла мунқатеъ бўла кўр жоҳу молдин.

Байрам, ҳабиб қилмади ҳолингға илтифот,  
Бўлғайму ҳеч ҳоли ямонроғ бу ҳолдин.

\* \* \*

Яшил либос аро ул сарви гульузорни күр,  
Күнгүл очгудек ул дилкушо баҳорни күр.

Либосин этти яшил сарви лола рухсорим,  
Баҳор мавсумида турфа лолазорни күр.

Гул узра сунбули сероб күрмаган бўлсанг,  
Юзида тер, ичида зулфи мушкборни күр.

Гаҳи қарор топар, беқарори ишқ vale,  
Қарор топмади ҳаргиз, бу беқарорни күр.

Агарчи зору гирифтор кўптуур Байрам  
Ажаб балоға гирифтордур, бу зорни күр.

\* \* \*

Хар сүзки ғаразгү деса, эй ёр, инонма!  
Арбоби ғараз сүзига зинҳор инонма!

Гар айтса зоҳир қиладур ишқини элга,  
Биллаҳ, кишига қилмадим изҳор, инонма!

Хар дам сенга юз сўз мен маҳрумдин айтиб,  
Хар сўзда анинг юз ғарази бор, инонма!

Биллоҳки, ағёр сўзи борча ғараздур,  
Мендин санга бир сўз деса ағёр, инонма!

Хар неча жафо кўрса вафо тарки қилурму,  
Байрамки, билур ўзни вафодор, инонма!

\* \* \*

Эй сарв, шамъи мажлиси ағёр бўлмағил!  
В-эй гул, рафиқи ҳар хасу ҳар хор бўлмағил!

Ағёр бирла ҳамдам ўлуб жоним ўртадинг,  
Тенгри учунки ҳамдами ағёр бўлмағил!

Мен худ ғамингда зор бўлубмен, Худой учун  
Сен бир сари бу навъ дилозор бўлмағил!

Йўқтур париухеки, анинг зори бўлмаған,  
Сен ҳам манга назар қилу безор бўлмағил!

Байрам, чу билдинг эмди гирифторлиқ ғамин,  
Мундин бори кишига гирифтор бўлмағил!

\* \* \*

То либосинг ғайр қони бирла гулгун айладинг,  
Қон түкардин күзларимни гарқаи хун айладинг.

Кийгали сиймин танинг узра қизил түн, эй қуёш,  
Күз баёзин қон ёшим бирла шафақгун айладинг.

Оташин гулгуналик түн бирла гулгунунг миниб,  
Үт ёлиндек билдурууб шүрүмни афзун айладинг.

Күрсатиб юз жон била қўнглумга қўйдунг доғи ишқ,  
Ўртадинг кўнглумни ўжонимни мамнун айладинг.

Байрамо, зулфи йилонига фусундин не асиғ,  
Чунки муҳликроғ бўлур ҳар неча афсун айладинг.

\* \* \*

Жони ширин он лаъли нуктадонинг садқаси,  
Ваҳ, не бир жон балки, юз жон бўлса онинг садқаси.

Сен даги бир нўшлаб ишқида мендек зорсен,  
Зор кўнглумга тараҳҳум айла, жонинг садқаси.

Дединг эврулма бошимғаким, равон мен телбага,  
Сен равон бўл, мен бўлай сарви равонинг садқаси.

Ҳам Хизр суйи лаби жонбахшинга бўлсун фидо,  
Ҳам Масиҳ алфози жонбахши баёниг садқаси.

Байрам, ўлма талхком, ар жони ширин бўлмаса,  
Жони ширининг бути ширинзабонинг садқаси.

\* \* \*

Эй күнгүл, муждаким, ул сарви хиромон келадур,  
Янги бошдин тани афсурдам аро жон келадур.

Яна күзум учадур шодлиғ ашкини түкүб,  
Магар ул мардумаки дийдаи гирён келадур.

Яна тан шаҳрида ойини ажабдурки, бу кун  
Улки бор эрди күнгүл мулкида султон, келадур.

Гарчи күп дард чекиб ўлгали еттим ғамидин,  
Шукрилиллаҳки, бори дардима дармон келадур.

Сийна хилваттахини холи этинг, жону күнгүл,  
Ки, бу манзилға бу кун ўзгача меҳмон келадур.

Кўзларим ҳар нафасе телмурадур йўлга боқиб,  
То хабар келдиким, ул хусрави хубон келадур.

Лек толеъ йўқидин ҳар нечаким пайки сабо,  
Ютуруб мужда бериб чин деса, ёлгон келадур.

Байрамо, солма күнгүл ҳажр паришонлигидин,  
Келки, жамъияти дилҳои паришон келадур.

\* \* \*

Қошингға тушкали, эй сарви гулъузор, сочинг,  
Мени ел эсканидек қилди беқарор, сочинг.

Фироқи ёр туни бўлди субҳи равшани васл,  
Тарарада тушкали юзинга тор-тор сочинг.

Очилса нофа юки мушк иси тоғилғондек,  
Муаттар айлади оламни мушкбор сочинг.

Май ичра оби ҳаёт айлади ниҳон оғзинг,  
Гул узра сунбули тар қилди ошкор сочинг.

Асири ишқинг эмас ўзлуки била Байрам,  
Солибдур они бу савдоға нигор, сочинг.

\* \* \*

Мунтазири висол эдим, бедилу бекарор җам,  
Раҳмки, эмди қолмади, тоқати интизор җам.

Бир эмасу ики эмас, меҳнати җажру бори дил,  
Меҳнатима ҳисоб йўқ, дардима йўқ шумор җам.

Ҳар кўнгулеки, бор эди меҳнату ғамға ёр эди,  
Юз алам ихтиёр эди, қолмади ихтиёр җам.

Рұжни булбулунг қилур, жонни дөғи қулунг қилур,  
Чехраи гулгунунг қилур, турраи тор-тор җам.

Ҳар киши ишқбоздур, хоки раҳи ниёздур,  
Ишқ ила сарфароздур Байрами хоксор җам.

\* \* \*

Ҳаргиз мени тараҳхум ила ёд қилмадинг,  
Мажнун күнгүлни қайғудин озод қилмадинг.

Дард аҳлидек мулоҳазаи хотирим қилиб,  
Күнглумни бир иноят ила шод қилмадинг.

Очилмади юзунг гулидин ғунчадек күнгүл  
Ким, ҳажр сарсари била барбод қилмадинг.

Кўрсатмади русуми маваддат фитодае  
Ким, жавру зулм бирла барафтод қилмадинг.

Оlamда лафзи бесанаде ҳеч қолмади  
Ким, ишқ әлиға ани устод қилмадинг.

Ҳар лаҳза юз иморати хотир қилиб хароб,  
Ҳаргиз бинои марҳамат обод қилмадинг.

Бас қил йўқ эрса тонглаки, инсоф вақтидур,  
Фарёд айлагайменки, не бедод қилмадинг.

Байрам, не сўздуруркни, сени ёд қилмағай,  
Гар ёд айладинг анию фарёд қилмадинг.

\* \* \*

Айлаб шиор шеваи бедод кўзларинг,  
Оlamни қатл айлади жаллод кўзларинг.

Ислом кишварида барафтод айлади,  
Ойини адлу қоидай дод кўзларинг.

Етмас эди бурунги балосики ғамзадин,  
Касб айлади тариқаи бедод кўзларинг.

Аҳли ҳузур хотирини сайд қилдилар,  
Сайёдлиғ тариқида устод кўзларинг.

Бўлди яқин зуҳури қиёматки, бўлдилар  
Икки ғизол экач икки сайёд кўзларинг.

Хуш ул замонки, бир назари марҳамат била,  
Қилғон кўнгулни қайғудин озод кўзларинг.

Чун тарк айлади назари лутф одатин,  
Байрамни қилди ғам била мұтод кўзларинг.

\* \* \*

Үл сарвқадки, саййиди аҳли қабулдур,  
Гүлдек юзи нишонаи оли расулдур.

Ҳам орази гул, чаманоройи Муртазо,  
Ҳам қомати ниҳоли риёзи батулдур.

Бошиңгни бер деса қилайин жон била қабул,  
Аҳли қабул ҳар не буюрса қабулдур.

Меҳри камоли фазли илоҳийдуур, vale  
Үл фазл қайда қобили ҳар бул-фузулдур.

Байрамки, ғайри базми висолида шод эмас,  
Ҳаргиз висол базмида эрмас малулдур.

\* \* \*

Неча, эй гул, висолинг базмидин маҳрум бўлгаймен,  
Тилармен Тенгридинким, бир йўли маъдум бўлгаймен.

Гулистони жамолинг бирла эл масур, ваҳ токай  
Мени маҳзун маломат қунжида магмум бўлгаймен.

Мен эрдим маҳраму ағёр маҳрум эрдилар жоно,  
Бўлуб ағёр маҳрам, мен не деб маҳрум бўлгаймен.

Вафога от чиқордим кўб жафо тортиб, зиҳи давлат  
Ки, аҳли ишқ аро бу исмға мавсум бўлгаймен.

Басе ғамлар кўрууб, жонлар чекиб мажхулмен, Байрам,  
Магар жон тобшуруб ёр олида маълум бўлгаймен.

\* \* \*

Фифонимдин қулоқ оғрибмудур ороми жонимға,  
Йүқ эрса не учун, ё Раб, қулоқ солмас фифонимға.

Қулоги оғриғон ташвишидин озурдадур жоним,  
Беріб сиҳұат, илохи раҳм қыл, озурда жонимға.

Бирорким ошкоро нолалар қылсам ул қулоқ солмас,  
Не турлук, ё Раб, ўлғай мутталиъ дарди ниҳонимға.

Яқин билғанда ғофил бўлмасун зору ноламдин,  
Қулоги оғриғи келмас эди ҳаргиз гумонимға.

Эшиғтастин бурун ваҳ не учун кар бўлмадим, ё Раб,  
Эшиғтунча қулоқ оғриғини сарви равонимға.

Кўнгудинки, кўнгулга йўл ауруп дерлар, ғалат эрмиш  
Ки, меҳрим ҳеч таъсир этмади номеҳрибонимға.

Отиғни ёр билмай ғайрдин истар нишон Байрам,  
Не ному не нишон, раҳмат, менинг ному нишонимға.

\* \* \*

Ёринг ўлсун подшоҳи зулжалол,  
Найири жоҳу жалолинг безавол.

Ҳазрати иззат камоли лутфидин  
Топмасун иззу камолинг интиқол.

Кўрмасун ҳаргиз камоли иззу жоҳ,  
Кимгаким нуқси жаҳонингдур хаёл.

Эй хуш улким, ҳажр даштин тай қилиб,  
Базми васлинг бирла топсам иттисол.

Гаҳ лабинг руҳи илоҳийдин ҳар нафас,  
Истимоъ этсам қаломи баркамол.

Гаҳ хатинг Хизри бирла ҳамдам бўлуб,  
Хизр топқондек топиб айни висол.

Гоҳ базмингда қилиб хушҳоллиғ,  
Айласам ҳар лаҳза юз минг завқу ҳол.

Гоҳ ўлтурсам жамолингға боқиб,  
Айни истифроқ бирла гунгу лол.

Икки ой қаддинг фироҳин кўргали,  
Кўрмадим, Байрам, қадингдек бир ҳилол.

\* \* \*

Эй шаҳи тахтгоҳи жоҳу жалол,  
В-эй, маҳи осмони иззу ъало.

Дили софи била сипеҳри карам,  
Кафи кофи била саҳоби сахо.

Ҳам хатинг сабзасида чашмаи нӯш,  
Ҳам лабинг нӯши ичра айни шифо.

Гули юзунгдадурур насими ҳаёт,  
Майи лаълингдадур зулоли бақо.

Ҳар ўлукким Масиҳ лабларидин,  
Топди жон деб каломи руҳафзо.

Жон топар юз Масиҳ лаълингдин,  
Лаби лаълинг кужо, Масиҳ кужо?

Эй лабинг комбахши зумраи ишқ,  
В-эй юзунг қиблагоҳи аҳли вафо.

Неча кўнгул мулозимат камини,  
Қиладур Байрам камина адо.

Тушки бўлди камол маснадида,  
Жилвагар найири жаҳоноро.

Азми қуллуқ қилиб эдим пинҳон,  
Бўлди ногаҳ ҳарорате пайдо.

\* \* \*

Мусулмону ҳиндуға бордур мудом,  
Эшикингда жогир учун боғуйинг.

Бўлуб борча ҳиндуға хушҳоллиғ,  
Мусулмонлар ичра тушуб қайғуйинг.

Мусулмонға ҳиндуни тазвиж этиб,  
Мусулмонлигинг йўқтурур ҳиндуйинг.

# РУБОИ ЙИЛДР

---

\* \* \*

Байрамға басе ғариблик кор этти,  
Ғурбат они хору зору бемор этти,  
Ё рабки, балоларға гирифтор ўлсун,  
Ҳар кимки ани ғамларға гирифтор этти.

\* \* \*

Кўз равшани, ёри дилситоним борадур,  
Жон гулшанидин сарви равоним борадур,  
Бу хаста агар қолди анинг қуллуғидин,  
Сен қолғил, эй кўнгулки, жоним борадур.

\* \* \*

Базминг аро юз сурурум бор эди,  
Рухсоринг ила қўзумда нурум бор эди,  
Оlam ғамидин ҳосил эди ғайбати маҳз,  
Ҳосилки висолингда ҳузурум бор эди.

\* \* \*

Базмингки, нигорхонаи Чин ўлғай,  
Анда тарабу нишот ойин ўлғай,  
Мажлис бегию ғайрға юз басту нишот,  
Не важҳ ила Мир бости ғамгин ўлғай.

\* \* \*

То билгали қуллуғунгда иқболимни,  
Ҳеч ким санга арз этмади ҳолимни,  
Лутфу караминг бу навъким, бўлмас эди,  
Гар билсанг эди мавожиби ҳолимни.

\* \* \*

Жўяндаи айшу инбисотингдурмен,  
Хоҳони фароғату нишотингдурмен.  
Сен мухталит ўлмадинг, йўқ эрса мен зор,  
Биллаҳки, хароби ихтилотингдурмен.

\* \* \*

Не дин ғамидин даме паришондурмен,  
Не куфр ҳужумидин ҳаросондурмен,  
Бутхонаву масжид манга яксон кўринур,  
Гўёки на кофир, на мусулмондурмен.

\* \* \*

Сен борғоли кам эмасдур, эй тоза ниҳол,  
Кўзда наму хотирда ғам, жонда малол,  
Бу ҳол била бўлмаса умиди висол,  
Ё Рабки, не бўлғай эди мен хастага ҳол.

\* \* \*

Аввал мени хидматингға маҳрам қилдинг,  
Базминг аро ҳамзабону ҳамдам қилдинг,  
Охир яна илтифотни кам қилдинг,  
Расвои тамоми аҳди олам қилдинг.

\* \* \*

То чанд ғамингда изтироб эткаймен,  
Ҳажр ўтида бағримни кабоб эткаймен,  
Хаттингни кўруб чу қолмади хуш манга,  
Маълумки, не навъ жавоб эткаймен.

\* \* \*

Ҳам хутба забонингча муайян бўлсун,  
Ҳам сикка отинг била музайян бўлсун,  
То зулмату нур бўлғуси жумла жаҳон,  
Хуршиди жамолинг била равшан бўлсун!

\* \* \*

Шоҳо, санга ёр Ҳайий бечун бўлсун,  
Амрингта мутеъ даври гардун бўлсун,  
Рӯҳинда ҳумойи авжи иззат сенсен,  
Оting киби давлатинг Ҳумоюн бўлсун.

\* \* \*

Ҳажрингни хаёл қилмоқ мушкул,  
Сендин талаби висол қилмоқ мушкул,  
Ҳолимни санга арз қиласай дейдурмен,  
Аммо санга арзи ҳол қилмоқ мушкул.

\* \* \*

Эй парирў, бандай зулфи паришонинг бўлай,  
Эй сиҳиқад, садқаи сарви хиромонинг бўлай.  
Эйки, сарви бўстони эътидолимсен менинг,  
Ноз бирла парвариш топқон ниҳолимсен менинг.

\* \* \*

Эй парипайкарки, умри жовидонимсен менинг,  
То тирикмен сендин айрилмонки, жонимсен менинг,  
Ишқу ишрат бирла то даври қиёмат бўлғасен,  
То қиёмат, эй сиҳисарви қомат бўлғасен.

\* \* \*

Тожи сиёҳ эмасдур ул дилситон бошида,  
Солмиш ҳумой соя сарви равон бошида,  
Сариг ниқобу қизил тож бирла ул қади зебо,  
Кўрунур, уйлаки сарв узра ғунчай гули раъно.

# *АЙРЫМ СҮЗЛӘР ЛУГАТИ*

---

Айн-күз

Ал — миннату лиллах — худога шукр

Амтор — (бирлиги: матар) ёмғирлар

Асиф — фойда

Асмо — исмлар, номлар

Асфал — энг паст, энг тубан

Ашжор — (бирлиги: шажар) дарахтлар, ёғочлар

Ақсо — энг узок қирғок, мақсади ақсо — энг сүнги мақсад

Барафтод — йиқик, барбод

Баргашта — орқага қайтган, терс, тескари

Баст — боғланиш, кенгайтириш; хурсандчилик.

Батҳо — Макка атрофидаги тоғ орасидаги бир дара — тор йўл номи.

Бўйд — узоқлик.

Бот — тез

Вола — мафтун, ҳайратда қолган

Газанд — зарар, зиён, заҳмат

Гудохта — куйиш, ўртаниш

Давот — сиёҳдон

Даний — пайт қуий

Дурушт — қўпол, дағал

Жайб — кийимнинг чўнтаги

Жогир — ўрин олган, қарор топган

Жузву кулл — бўлак ва бутун

Журъа — бир қултум, бир ютум

Жўён — истовчи, қидирувчи

Зул-жалол — азамат ва энг буюк

Зухҳод — (бирлиги: зоҳид) дунёвий ишлардан четлашиб, тоат-ибодатга берилганлар

Инбисот — шодлик, хурсандчилик

Ифрот — ҳаддан ошиш

Ком — кўнгил истаги, баҳра

Комгор — баҳтли, қудратли

Лаванд — бўш, ялқов, бевош, бекорчи

Ламъа — ёлкин, шуъла, порлок  
Майошом — майхўр  
Мардумак — кўз қорачиғи  
Матлаъ — қўёшнинг чиқиши жойи  
Машраб — табиат, одат, хулқ, равиш  
Мағмум — ғамгин  
Маҳжабин — ойдек пешона  
Маҳфил — жой, манзил, мажлис  
Миръот — ойна  
Моя — моҳият; бир нарсанинг асл асоси  
Музтариб — изтиробда қолган, қарорсиз қолган, роҳатсизланган  
Мунқатеъ — узилган, ажралган  
Мусоҳибат — сұхбатдошлиқ  
Мустағрақ — ғарқ бўлган  
Мутарро — тоза, янги безалган, тараалган  
Мушкиоф — дақиқназар, ингичка фикрловчи, заковатли.  
Муштарий — сайёра номи. Форсча номи Биржис бўлиб, “Саъди акбар” ва “Фалак қозиси” дейдилар  
Мухталит — аралашган, қоришиқ  
Муътод — одатланган, ўрганмоқ  
Навохта — навозиши қилиш, меҳрибонлик қилиш  
Нашъа — кайф, хузур  
Нўшин — тотли, мазали  
Озурда — озор чеккан, ранжиган  
Осиб, осийб — зиён, зарар, мусибат, бехузурлик  
Партав — ёруғлик, нур  
Рафъ — кўтариш  
Сайд — ов, ширкор  
Сидра — еттинчи осмондаги дараҳт номи  
Сипанд — исириқ  
Субул — (бирлиги: сабил) йўллар, йўсинлар  
Сувайдо — қора нукта, бу нукта юрак ўртасида жойлашган дейилади  
Суминот — бутхона  
Сухайл — ёруғ юлдуз номи  
Тавлид — туғилиш  
Тавҳид — Аллоҳни битта, ягона деб билиш илми  
Тазвиж — никоҳ, уйланиш

Таълиқот – қолдирмоқ, кечиктирмоқ  
Тур – тогнинг номи  
Турра – кокил, ўрилган соч, соч жингалаги  
Тўбо, Тўбий – жаннатдаги дараҳт номи  
Уммаҳот – оналар  
Фитода – тушкун, хароб.  
Хома – қалам  
Худком – ўз мақсадинигина истовчи, кўзловчи  
Хунполой – қон юқи, қонга бўланган  
Курб – яқинлик  
Fappo – ёрқин, порлоқ  
Fурра – ҳар ойнинг биринчи куни  
Ҳазар – ҳаёт тарзи, оила даврасидаги ҳаёт  
Ҳариф – шерик, улфат; қарши  
Хувайдо – ошкора, аён, зоҳир, равшан  
Ямин – ўнг, ўнг тараф  
Ясор – чап, сўл тараф

## **МУНДАРИЖА**

“Армонда ўлдум, ох...” .....	3
Фазаллар .....	7
Рубоийлар .....	56
Айрим сўзлар луғати .....	58

**БАЙРАМХОН**

**ДЕВОН**

Мұхаррір: О. Давлатов

Мусаххих: Н. Абдукаримова

Бадий мұхаррір: И. Убайдуллаева

Сақиғаловчи: У. Саидов

Лицензия: АI №136. 27.04.2009 й.

Босишга 15.11.2013-й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

UZ-Goudy гарнитураси. Офсет усулида чоп этилди.

Нашр табоғи 4. Шартли босма табоғи 3,36. Адади 500 нұсха.

Нархи шартнома асосида. Буюртма № 36

«Tamaddun» нашриети, 100129. Тошкент ш., Навоий күчаси, 30.

Тел.: (371) 244-42-65. Факс: (371) 244-42-54.

“Tugon-matbaa” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш. Олмазор тумани, Талабалар күчаси 2-й.

